

## ШАРТ МУНОСАБАТЛАРИ ИФОДАЛАНИШИНИ ЎРГАНИШДА СЕМАНТИК ЁНДАШУВ



**Ислом Ўрол ўғли МИННИҚУЛОВ**

Ўқитувчи

Инглиз тилини ўқитиш методикаси

2- кафедраси

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Тошкент, Ўзбекистон

[mr.islom19@gmail.com](mailto:mr.islom19@gmail.com)

### Аннотация

Мазкур мақола шарт муносабатларини ифодалашда семантик ёндашув асосларини ўрганишга бағишланган. Хусусан, унда шарт муносабат билдирувчи конструкцияларнинг ифода турлари семантик нуқтаи назардан тадқиқ этилган ва шарт маъно ифодаловчи гапларни мазмун жиҳатидан умумий икки турга (реал ва нореал) ажратиш тавсия этилган.

**Калит сўзлар:** шарт; шарт муносабат; шарт гап; реал шарт гап; нореал шарт гап.

## СЕМАНТИЧЕСКИЙ ПОДХОД К ИЗУЧЕНИЮ ВЫРАЖЕНИЯ УСЛОВНОСТИ В ЛИНГВИСТИКЕ

**Ислом Урол угли МИННИКУЛОВ**

Преподаватель

Кафедра методики преподавания английского языка

Узбекский государственный университет мировых языков

Ташкент, Узбекистан

[mr.islom19@gmail.com](mailto:mr.islom19@gmail.com)

### Аннотация

В статье обсуждаются принципы семантического подхода к изучению выражения условности в лингвистике. В частности, изучаются способы выражения условных конструкций и в статье предлагается, чтобы условные предложения были разделены с семантической точки зрения на два типа: реальные и нереальные.

**Ключевые слова:** условие; условное значение; условное предложение; реальная условность; нереальная условность.

## SEMANTIC APPROACH TO THE STUDY OF THE EXPRESSION OF CONDITIONALS IN LINGUISTICS

**Islom Urol ugli MINNIKULOV**

Teacher

Department of English language teaching methodology

Uzbekistan State University of World Languages

Tashkent, Uzbekistan

[mr.islom19@gmail.com](mailto:mr.islom19@gmail.com)

**Abstract**

The article discusses the principles of semantic approach to the study of the expression of conditionals in linguistics. In particular, the modes of expression of conditional constructions are semantically studied and from semantic viewpoint, it is suggested in the article that conditional sentences should be divided into two: real and unreal.

**Keywords:** condition; conditional meaning; conditional sentence; real conditionals; unreal conditionals.

Жаҳон тилшунослигида шарт муносабат ифодаловчи конструкциялар турли нуқтаи назардан, жумладан, семантик, синтактик, стилистик, функционал, прагматик, коммуникатив, когнитив ва методик жиҳатдан тадқиқ қилинган. Мазкур мақолада муаммонинг семантик нуқтаи назардан ўрганилишини таҳлил қиламиз.

Шарт муносабатлари ифодаланишининг семантик таснифи кўп олимлар томонидан ўрганилган ва уларнинг барчаси шарт эргаш гапли қўшма гаплардан англашилган шарт-шароитнинг амалга ошиши ёки ошмаслиги нуқтаи назардан таснифлаган.

Хориж тилшунос олимлари Celce Murcia ва Larsen Freeman инглиз тилида шарт муносабат ифодаловчи гапларнинг семантик классификациясини қуйидагича тақдим этади: фактуал (*factual conditional relationships*) шарт муносабат ифодаловчи гаплар, тахминий – келажакни башорат қилувчи (*future (or predictive) conditional relationships*) шарт муносабат ифодаловчи гаплар, фаразий – хаёлий (*imaginative conditional relationships*) шарт муносабат ифодаловчи гаплар (2, 548).

Шарт маъно ифодаланишини семантик нуқтаи назардан таҳлил қилган D. Emmanuelle-Anna ва бошқа тилшуносларнинг таъкидлашича, шарт маъно ифодаловчи гапларнинг асосан икки тури фарқланади: фактуал (*indicative*) ва контрфактуал (*subjunctive*) (4, 55). Олимлар эътироф этишича, фактуал шарт муносабат ифодаловчи қўшма гапларда ҳар икки қисм (бош гапда *натимжа*, эргаш гапда *шарт-шароит*)да ҳам иш-ҳаракатнинг содир бўлиш ёки бўлмаслиги ёки маълум эмаслиги бир хил кечади. Бироқ, контрфактуал шарт маъно ифодаловчи қўшма гапларнинг бош гап қисмидан англашилган *натимжа* содир бўлиши, бўлмаслиги ёки маълум бўлмай қолиши мумкин, аммо эргаш қисмдаги *шарт-шароит* содир бўлмайди (4, 55). Демак, семантик жиҳатдан, шарт муносабат билдирувчи конструкциялар, асосан, фактуал (реал) ва нофактуал, контрфактуал (нореал) турларга бўлиниши мумкин.

Бошқа бир хорижлик олим Eun-Ju Noh фактуал (*indicative*) шарт муносабат ифодаловчи қўшма гапларни ўрганар экан, бундай гапларнинг баъзиларида қисмлар (бош ва эргаш гап) ўртасида семантик боғлиқлик йўқлигини алоҳида

таъкидлайди ва бу ҳодисани ўз тадқиқотида аҳамиятлилик (релевантлик) назарияси ва мазкур назариянинг негизида прагматик фактор ётиши билан изоҳлайди (5, 1–3). Бундан аниқ бўладики, баъзи ҳолларда фактуал (*indicative*) шарт муносабатли конструкциялар шарт маъно эмас, балки яширин прагматик маънога эга бўлади.

Хитой лингвист-олими Ling Qin ҳам шарт муносабат ифодаловчи гапларни семантик жиҳатдан таҳлил қилади. Хусусан, олим контрфактуал шарт гапларнинг семантик таҳлили билан шуғулланади. У контрфактуал шарт маъно ифодаланишида когнитив омилларнинг ролини алоҳида таъкидлайди ва концептуал интеграция моделидан фойдаланиб, контрфактуал шарт муносабат ифодаланишини тадқиқ қилади (7, 764). Унинг фикрича, инглиз тилида контрфактуал шарт маъно муайян феъл шакллари ва грамматик структуралар орқали ифодаланади (7, 754). Олим эътироф этишича, контрфактуал шарт маъно бир неча олимлар (когнитив нуқтаи назардан, Fauconnier and Turner, 2002; Dancygier ва Sweetser, 2005; реал шарт муносабатлар тадқиқи нуқтаи назаридан David Lewis, 1973; семантик нуқтаи назардан Quirk et al, 1985) томонидан ўрганилган (7, 755–765). Демак, контрфактуал шарт маъно ифодаланишида когнитив ва концептуал таҳлил муҳим рол ўйнайди. Шунингдек, феъл шакллари (замон кўшимчалари ва морфемалар) шарт маъно (хусусан, контрфактуал шарт муносабат) ифодалашда алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, яна бир хориж олими M. Ippolito шарт муносабат билдирувчи гапларни семантик нуқтаи назардан таҳлил қилади ва ўз тадқиқотида замон кўшимчаларининг нофактуал шарт маъно қурилишида алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлайди. Унинг эътироф этишича, инглиз тилида нофактуал (*subjunctive*) шарт муносабат билдирувчи гапларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай гапларнинг бош гап (*модал феъли билан бирга*) ва эргаш гап қисмида ҳам ўтган замон кўшимчаси иштирок этади (8, 1). Унинг таърифлашича, нофактуал шарт гаплар сўзловчи ифодалаётган фикрнинг ёки иш-ҳаракатнинг амалга ошиши ҳақиқатдан анча йироқ ёки умуман ҳақиқатдан эмаслигини ифодалайди (8, 1). Нофактуал шарт муносабат ифодаланишида феъл шакллари (замон кўшимчалари) муҳим рол ўйнайди.

P. Egge and G. Politzer шарт муносабат ифодаловчи гапларни тадқиқ қилар экан, фактуал шарт маъно билдирувчи гапларнинг инкор маъно ифодалаш аспекти тадқиқотининг тезиси сифатида белгилаб олади. Фактуал шарт гаплар (*indicative*), уларнинг эътироф этишича, хабар майли шаклида туради (9, 12). Лингвист-олимлар бундай гапларда инкор шарт маъно типологиясини таҳлил қилади. Яъни, фактуал шарт гапларда инкор маънонинг *боғловчи воситалар*

орқали ва шарт маъноли гаплар таркибида ифодаланиши ва унинг кучли ва кучсиз даражаларига эга бўлиши билан изоҳланади. Бунда кучсиз инкор маъно баъзи модал воситалар (*possibly/need/may not*) орқали ифодаланиши таъкидланади (9, 10–12). Демак, инкор шарт маъно турли даражали бўлиб, у боғловчи ва бошқа формал воситалар орқали ифодаланади ва уларнинг маъно даражаларини ифодалашда модал ёрдамчиларнинг роли каттадир.

В. Dancygier ва М. Еванинг қайд этишича, шарт категорияси муаммоси тилшуносликда қуйидаги иккита назарияга асосланиб ўрганилган (1, 121):

– шарт гапларнинг маъноси эргаш гап қисмидаги шарт-шароитнинг амалга ошиш ёки ошмаслигига қараб нофактуал (*non-factual*) ёки контрфактуал (*counter-factual*) бўлиши мумкин;

– шарт гапларнинг маънолари турли хил бўлишига қарамасдан, улар умумий асосга эга. Улар қуйидаги мезонлар асосида таснифланади: феъл шаклларига кўра, гапдаги замон кўрсаткичларига биноан ва шарт муносабат турига кўра (*очиқ, реал ёки нореал*).

В. Dancygier ва М. Ева шарт муносабат билдирувчи гапларни семантик жиҳатдан урта турга бўлади: *фактуал, назарий (очиқ) ва контрфактуал (гипотезавий)* (1, 122).

Бундан ташқари, Р. Н. Johnson-Laird ва М. J. Byrne шарт муносабатларининг “*Агар А, у ҳолда С*” (*If A, then C*) ва “*Агар А, у ҳолда С эҳтимоли бор*” (*If A, then possibly C*) конструкцияларида ифодаланишини тадқиқ қилади. Улар, асосан, муаммонинг семантик аспектига алоҳида эътибор қаратар экан, мазкур структураларда ифодаланган шарт маънонинг фарқли томонларини очиб беради (6, 646). Бунда, ўша маънонинг асл моҳиятини очиб беришда шарт муносабат доирасидаги билим, шарт муносабатнинг прагматик ва семантик аспектлари муҳим аҳамият касб этиши алоҳида эътироф этилади (6, 646). Бу эса, ўз навбатида, олимлар таърифлаганидек, бундай конструкциялар орқали ифодаланган шарт гапларнинг қисмлар (бош ва эргаш гап)и ўртасидаги замон ва бошқа муносабатларни ҳам ифода этишда муҳим рол ўйнайди (6, 646). Шарт маъно ифодаланиш даражасига қараб, кучсиз ва кучли, аниқ ва ноаниқ, реал ва нореал каби кўринишда бўлиши мумкин. Бу эса, турли конструкцияларда ўз аксини топади.

Инглиз тилида шарт муносабат ифодаловчи боғловчи “*If*” (*агар*) ва унинг функцияси семантик нуктаи назардан хориж олими D. Rothschild томонидан тадқиқ қилинган. Унинг фикрича, “*If*” (*агар*) боғловчиси шарт маъно ифодаланишидан ташқари, семантик жиҳатдан маълум маънога миқдорий чегара кўйиш вазифасини ҳам бажаради (3, 7). Бу тезис, олим эътироф этишича,

лингвистик эмас, балки кўпроқ фалсафий характерга эга. Шарт маъно ифодаловчи “If” (*агар*) боғловчисининг бундай функцияси шарт муносабати назариясини фалсафий нуқтаи назардан тадқиқ қилган Lewis (1975), Kratzer (1981, 1986), ва Heim (1982) каби фафласуф олимлар томонидан ҳам ўрганилган (3, 7). Бундан маълумки, инглиз тилида шарт маъно ифодаловчи “If” (*агар*) боғловчиси фалсафа соҳасида маълум маънога миқдорий чегара қўйиш вазифасини ҳам бажаради.

Шунингдек, алоҳида қайд этиш лозимки, шарт муносабат ифодаланишини тадқиқ этишга бағишланган ишлар ичида шарт маъноли конструкциялар қисмларини боғловчи воситаларнинг семантик аспектлари таҳлили ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Хусусан, P. Nadathur ва D. Lassiter “unless” (*агар... эмас*) боғловчисининг семантик хусусиятини таҳлил қилиб, “unless” ва “if not” (*агар... эмас*) боғловчиларининг фарқларини очиқ берган (10, 1). Бунда олдиндан тахмин қилиш ва импликатура омиллари “unless” боғловчисининг “if not” (*агар... эмас*) боғловчисидан фарқлаш лозимлигини тақозо этади. Олимнинг хулосасига кўра, мазкур боғловчиларнинг асосий фарқи “unless” (*агар... эмас*) боғловчисининг семантикасидан кўра кўпроқ унинг прагматикасида сезилади (10, 16). Демак, боғловчи воситалар ҳам шарт маънонинг турли даражалари, прагматик аспектлари ҳақида маълумот бериши мумкин.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, шарт муносабат билдирувчи гаплар семантик нуқтаи назардан икки турга бўлиниши мумкин: реал ва нореал. Бундай таснифланиш асосида шарт эргаш гапли қўшма гаплардан англашилган шарт-шароитнинг амалга ошиш ёки ошмаслиги ғояси ётади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Barbara Dancygier, Ewa M. Semanto-pragmatic classification of conditionals//Studia Anglica Posnaniensia. –Warsaw: University of Warsaw, 1984.– P. 121–133
2. Celce-Murcia, M. and Larsen-Freeman, D. The Grammar Book: An ESL/EFL Teacher's Course.-New York: Heinle and Heinle, 1999.– 843 pp.
3. Daniel Rothschild. A note on conditionals and restrictors. 2011. – 33 pp.
4. Emmanuelle-Anna D. S., Steffen H., Isabelly L. R. Obligation versus Factual Conditionals under the Weak Completion Semantics//International Center for Computational Logic TU Dresden, Germany: 2017. – P. 55–64
5. Eun-Ju Noh. A relevance-theoretic account of meta representative uses in conditionals//UCL Working Papers in Linguistics, Vol 8, 1996. – 41 p.
6. Johnson-Laird P. N., Ruth M. J. Byrne. Conditionals: A Theory of Meaning, Pragmatics, and Inference// Psychological Review, Vol 109, № 4. 2002.– P. 646–678.
7. Ling Qin. The Semantic Understanding of the English Counterfactual Conditionals – A Model Based on Conceptual Integration Theory// Journal of Language Teaching and Research, Vol. 4, No. 4, 2013. – P. 754–766.

8. Michela Ippolito. On the Semantic Composition of Subjunctive Conditionals. MIT/Tübingen University, 2002. – 39 p.
9. Paul Egge and Guy Politzer. On the negation of indicative conditionals// Proceedings of the 19th Amsterdam Colloquium, Institut Jean-Nicod, CNRS, NYU, Philosophy Department, 2013. – P. 10–18.
10. Prema N., Daniel L. Unless: an experimental approach// Proceedings of Sinn und Bedeutung 19, Stanford: Stanford University, 2014. – P. 2–18.